БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 60 (4307). | 26 март, ПАЙШАНБА — 1970 йил. | Баҳоси 2 тийин.

УЛУҒ САНАНИ МУНОСИБ СОВҒАЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛАМИЗ

ТУХУМ ТАЙЁРЛАШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхозда парранда фермасининг ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлишига қарамай, хўжалик паррандабоқарлари аҳоли истеъмоли учун 26 минг дона тухум тортиқ қилишиб, биринчи ютуқни қўлга киритдилар. Хўжаликда давлатга тухум сотиш йиллик плани ортиғи билан бажарилди.

Бу ютуқни қўлга киритишда моҳир паррандабоқарлар Владимир Шурупов ва Ильина Шуруповаларнинг ҳиссалари, айниқса, катта бўлди. Улар мавжуд 1900 та паррандани турли тўйимли озуқалар билан парвариш қилмоқдалар.

Колхоз паррандабоқарлари юбилей йилида аҳоли дастурхонига яна 20 минг дона тухум етказиб беришга аҳд қилишди.

Н. ХОЛДОРОВА.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР

1970 йил 14 июнь — СССР Олий Советига сайловлар куни. Мамлакатимиз, шу жумладан областимиз меҳнаткашлари бу хабарни зўр хурсандчилик билан кутиб олдилар. Ҳамма ерда сайлов кампаниясига тайёргарлик ишлари бошланиб кетди.

Кеча матбуотда СССР Олий Совети Президиумининг Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Бу Фармонга мувофиқ Тошкент областида 17 та сайлов округи тузилди. Шунингдек, СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи марказий сайлов комиссияси составига номзодлар кўрсатила бошланди. Завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхозларда, корхона, муассаса ва қурилишларда, ҳамма ерда меҳнаткашларнинг йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Бу йиғилишларда ишчилар, колхозчилар, интеллигентлар халқимизнинг энг яхши фарзандларини — меҳнатда, ижодда, жамоат ишларида ташаббус ва намуна кўрсатиб ишлаётган, партия, давлат ва халқ ишига фидокор, садоқатли кишиларни марказий сайлов комиссияси составига номзод қилиб кўрсатмоқдалар.

Бу йилги сайловлар мамлакатимиз олий органининг ўтган тўрт йил мобайнидаги фаолиятига якун ясайди. Бу йиллар халқимиз ҳаётида, Ватанимизнинг ички ва ташқи сиёсатида катта воқеалар даври бўлди. Совет кишилари Коммунистик партия раҳбарлигида улкан яратувчилик ва ижодий ишларни амалга оширдилар. Мамлакатимизнинг экономикаси ва маданияти бениҳоя юксалди. Халқ фаровонлиги янада яхшиланди. Беш йилликнинг сўнгги йили якунлари шу нарсани кўрсатмоқдаки, кўпчилик ва муҳим ҳамда ҳал қилувчи соҳаларда план ва топшириқлар ошиғи билан бажарилди. Областимиз саноати ва қишлоқ хўжалигини юксалтиришда бирмунча муваффақиятлар қўлга киритилди. Маҳсулот етказиб бериш йил сайин ошмоқда. Янги-янги объектлар, маданий муассасалар, уй-жой ва коммунал корхоналар ишга туширилди.

Совет халқи амалга ошираётган тарихий ва оламшумул ғалабаларда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларидан тортиб, унинг олий органигача катта ҳиссаси, юксак фаолияти ёрқин кўринган турибди. Партиямиз Советлар ишини яхшилаш, социалистик демократияни ривожлантириш, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг омма ўртасидаги обрў-эътибори ва ролини янада кўтариш соҳасида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Партиямиз амалга ошираётган ва олға сураётган ленинча сиёсат Советларнинг кундалик ишида, улар қабул қилаётган қарорлар, планлар, бюджетлар ва қонунларда ўз ифодасини топмоқда. Партия томонидан халқимиз олдига қўйилаётган коммунистик қурилиш муҳим масалаларининг муваффақиятли бажарилиши Советлар, уларнинг маҳаллий органлари, доимий комиссиялар, халқ вакиллари бўлган депутатларнинг ташкилотчилик, ишчанлик қобилиятларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Областимизнинг шаҳар, район, қишлоқ, поселка Советлари экономика ва маданиятни ривожлантириш соҳасида олиб борилаётган ишларда актив қатнашиб келмоқдалар. Уларнинг омма ўртасидаги ташкилотчилик қобилиятлари бирмунча юксалди. Советлар ишида меҳнаткашлар актив қатнашиб, умумий ишимизнинг юксалишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Бу йилги сайлов кампанияси тарихий кунларга — бутун мамлакатимиз Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўраётган қувончлик вақтларга тўғри келди. Шу муносабат билан областимизнинг саноат корхоналари, колхоз ва совхозларида, қурилишларда, барча соҳаларда халқимизнинг меҳнат активлиги ва ғайрат-ташаббуси бениҳоя кучайиб кетди. Улуғ санани муносиб кутиб олиш ва беш йиллик планни муваффақиятли адо этиш ҳар бир меҳнаткашнинг мақсад ва истаги, асосий шиори бўлиб қолди.

СССР Олий Советига сайловлар кампаниясини муваффақиятли ўтказиш партия, совет ва бошқа ташкилотларнинг энг муҳим ишидир. Партия ташкилотлари энг яхши коммунистларни пропагандист ва агитатор қилиб белгилашлари керак. Улар партия ва Совет ҳукумати сиёсатини, социалистик демократия асосларини, Совет сайлов системасини омма ўртасида кенг тушунтиришлари лозим. Меҳнаткашлар ўртасида олиб бориладиган оммавий-сиёсий ва тушунтириш ишлари мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг ленинча принциплари билан, партиямиз Марказий Комитетининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига чиқарилган Тезислари билан бевосита боғланган ҳолда олиб борилиши керак.

Мамлакатимиз олий органига бўладиган сайловларгача барча ишларни, жумладан ташкилий-техникавий тайёргарликни ҳозирдан пухта уюштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Сайлов комиссиялари, сайлов округлари ва участкалари ташкил этиш, сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш, сайловлар ҳақидаги Низомда кўрсатилган барча тадбирларни ўз вақтида ўтказиш партия, совет ташкилотларининг эътиборида бўлиши керак.

Ҳамма ерда СССР Олий Советига бўладиган сайловларга тайёргарлик ишларини қизғин бошлаб юборайлик. Омма ўртасида олиб борадиган ташкилий-оммавий ва сиёсий ишларимизнинг бутун мазмуни ва асосини КПСС Марказий Комитетининг ўтган йил декабрь Пленуми қарорлари, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Хати ташкил этмоғи лозим. Бу тарихий қарор ва ҳужжатларда мамлакатимиз экономикаси ва маданиятини ривожлантиришнинг актуал масалалари, Ватанимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини оширишнинг бундан сўнгги истиқболлари ёрқин ифода этилгандир.

Сайловларни муносиб кутиб олиш — совет халқининг ажойиб анъанаси ва одати бўлиб қолган. Улуғ доҳиймиз Владимир Ильич Ленин таваллуд топган кунининг 100 йиллиги шарафига кенг қулоч ёйётган умумхалқ социалистик мусобақасини янада авж олдирайлик. Бу тарихий кунни, шунингдек СССР Олий Советига сайловларни коммунистик қурилиш соҳасида янгидан-янги зафарлар билан кутиб олайлик.

* *

Калинин районидаги «Дамачи» узумчилик ва боғдорчилик совхозининг коллективи бу йил давлатга кўплаб ҳосил етиштириб бериш учун шу кунларда боғлардаги ишларни кучайтириб юборди. Суратда: боғлар орасини ишлаш пайти.

Н. Тўраев фотоси.

* *

ТОШКЕНТДАГИ от заводи чўпонлари қузилатиш кампанияси ни уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар. Суратда: чўпонлар ўзаро суҳбатлашмоқда.

Қ. Розиқов фотоси.

ГЕКТАРИДАН 34 ЦЕНТНЕР УЧУН

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг ўртоқ Раҳим Жалолов етакчилик қилаётган участкасида чигит экиш кампаниясига пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Участкага қарашли 28 минг метр узунликдаги ариқ-зовурларни тартибга келтириш поёнига етказилди. Карталар четини чопиш, ерларни текислаш ҳам жадал олиб борилмоқда. Бу ишларда участканинг Маттуба Жалолова, Сабоҳат Хайруллаева, Ҳакима Носирова ҳамда Муҳаббат Исаҳўжаева сингари аъзолари кўпчиликка ўрнак кўрсатиб ишлашмоқда.

Участкада ҳосилдорликни янада ошириш учун ерларни ўғитлашга ҳам катта аҳамият берилаётир. Ҳозиргача майдонларга 1000 тоннадан кўпроқ маҳаллий ўғит сепилди.

— Участкамиз пахтакорлари,— дейди ўртоқ Р. Жалолов,— ваъда бердиларми, уддасидан чиқмай қўймайдилар. Аҳдига содиқ миришкорларимиз юбилей йилида ҳам улкан ғирмон уйишга астойдил енг шимаришган. Биз беш йилликнинг сўнгги йилини ёруғ юз билан якунлаймиз. 263 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан давлат омборига 34 центнердан «оқ олтин» топширамиз.

З. АМРУЛЛАЕВ.

РЕМОНТЧИЛАР ЮТУҒИ

Тошкентдаги биринчи авторемонт заводи коллективи икки ойлик топшириқни муваффақиятли адо этиб, планда белгиланганига нисбатан 58 минг сўмлик кўп, яъни 628 минг сўмлик иш бажаришди.

— Биринчи ва иккинчи комплектация даврида,— дейди биз билан суҳбатда корхона планиқтисод бюроси бошлиғи Нина Бурцева.— «ГАЗ-51» автомашинасининг 2500 дан кўпроқ детали тайёрланди. Бу белгиланганидан 545 та кўп. «ЗИЛ—150» автомашинасининг деталлари эса мўлжалдагидан уч ҳисса кўп тайёрланди.

Дарвоқе, авторемонтчилар ғайрати бу йил ўзгача. Улар бултур «ТАЗ—32» ярим прицеплари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришган эди. Ҳозиргача 73 таси тайёрланди. Янги йилнинг дастлабки ойларида эса 27 та ярим-прицеп етказиб берилди. Бундай прицеплар билан юк ташилганда иш унуми 1,5 ҳисса ошади.

Шу кунларда ўзаро мусобақада мотор цехи коллективи пешқадамлик қилмоқда. Хусан Мирзаев, Эргаш Отабоев, Болтабой Ашкентов, Борис Бабиков сингари ўртоқлар кундалик топшириқларни 120—130 процентдан адо этишяпти.

А. КИМ.

Н. В. ПОДГОРНИЙ ЭРОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний Эрон шаҳаншоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий ҳазрат олийларининг таклифига биноан 24 мартда расмий визит билан Москвадан Эронга жўнаб кетди.

СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари, Туркманистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси А. М. Кличев, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Н. А. Тихонов, СССР Ташқи Ишлар министрининг ўринбосари В. М. Виноградов, СССР Министрлар Советининг Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов унга ҳамроҳлик қилмоқдалар. Совет Иттифоқининг Эрондаги элчиси В. Я. Ерофеев Теҳронда уларга қўшилади.

(ТАСС).

ТЕЖАМКОР БЎЛАЙЛИК

Карл Маркс номли колхоз аъзоларининг бу галги йиғилиши жуда мазмунли бўлди.

Колхоз бухгалтери ўртоқ Тангриберди Отақулов КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Халқ хўжалигида ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланиш ва тежамкорлик режимини кучайтириш тўғрисида»ги Хатини ўқиб берди.

Шундан сўнг колхоз экономисти коммунист Абдуваҳоб Сатторов йиғилшда сўзга чиқиб шундай деди:

— Биз ҳар йили пахтани давлатга топшириш планни тезроқ тўлдирамиз, деб курашамиз-у, аммо сифатига унча эътибор бермаймиз. Оқибатда қанчадан-қанча меҳнат ва маблағ сарфлаб етиштирган «оқ олтин»имизнинг нархи тушиб кетади. Шунинг ўзидан колхозимиз анча зарар кўраётир. Очиқ эътироф этиш керакки, бизда ортиқча харажатлар кўп. Энди уларни кескин камайтиришимиз керак.

— Ўртоқ Сатторов тўғри гапни айтяпти, — деди бригада бошлиғи ўртоқ Асқар Расулов, — режани кўпроқ пахта йиғим-терими даврида бузяпмиз. Масалан, терилган пахтани ортиш, ташиш учун етарли механизмлар бўлишига қарамай хирмонларга мўлжалдагидан анча кўпроқ ишчи кучи қўямиз. Уларнинг ярми ишласа, ярми бекор юради.

Йиғилишда бригада бошлиғи Карим Азизов, гидротехник Қурбон Муродов ўртоқлар ҳам гапириб, техника билан бажариладиган ишларни тартибга солиш, унинг бекор туриб қолмаслиги, бўлар-бўлмасга эҳтиёт қисмлар сотиб олавермай, мумкин қадар эскиларидан оқилона фойдаланиш зарурлигини айтдилар.

Йиғилиш охирида колхоз раиси Турғун Орипов сўз олиб, хўжаликда ортиқча харажатлар ҳақиқатан ҳам кўп эканлигини айтди.

— Биз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида, — деди раис, — айрим ўртоқларнинг ортиқча харажатга йўл қўйганликларини биламиз-у, аммо уни ўша шахсдан ундириб олмаймиз. Ундан ташқари, ҳосилдорликни оширамиз, деб ерга ҳаддан минерал ўғит солаверамиз. Бунга неча минг сўмлаб маблағ сарф қиламиз-у, бироқ маҳаллий ўғитдан яхши фойдаланмяпмиз.

Йиғилиш колхозда ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ҳамда тежамкорлик режимини кучайтириш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб, қарор қабул қилди.

Т. ИЎЛДОШЕВ,
Ўрта Чирчиқ райони.

СССР Олий Совети Президиумида

ИТТИФОҚ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ

СССР Конституциясининг 34-моддаси ва «СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низом»нинг 24 ва 26-моддаларига мувофиқ, СССР Олий Совети Президиуми 1970 йил 24 март Фармони билан Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи 767 та сайлов округини, шу жумладан Ўзбекистон ССР Тошкент области бўйича қуйидаги сайлов округларини тузди:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

620. Тошкент — Ленин сайлов округи (маркази — Тошкент шаҳри). Тошкент шаҳрининг Ленин, Сергели ва Фрунзе районлари.

621. Тошкент — Киров сайлов округи (маркази — Тошкент шаҳри). Тошкент шаҳрининг Киров, Куйбишев ва Ҳамза районлари.

622. Тошкент — Октябрь сайлов округи (маркази — Тошкент шаҳри). Тошкент шаҳрининг Октябрь райони.

623. Тошкент—Чилонзор сайлов округи (Маркази—Тошкент шаҳри). Тошкент шаҳрининг Чилонзор райони.

624. Ангрен сайлов округи (маркази — Ангрен шаҳри). Ангрен, Янгиобод шаҳарлари, Красногорск, Чиғириқ поселкалари ва Ўрта Чирчиқ райони.

625. Бўка сайлов округи (маркази — Бўка поселкаси). Олмалиқ, Оҳангарон шаҳарлари. Бекобод шаҳри, Бекобод ҳамда Бўка районлари.

626. Калинин сайлов округи (маркази — Тошкент шаҳри). Калинин ва Юқори Чирчиқ районлари.

627. Чирчиқ сайлов округи (маркази — Чирчиқ шаҳри). Чирчиқ шаҳри ва Бўстонлиқ ҳамда Оржоникидзе районлари.

628. Янгийўл сайлов округи (маркази — Янгийўл шаҳри) Янгийўл шаҳри ва Оққўрғон ҳамда Янгийўл районлари.

БОҒЛАР КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

Шу кунларда областимизнинг қаерига борманг, ҳамма ерда иш қизғин. Пахтакор ҳам, сабзавоткор ҳам, чорвадорлар-у, боғбонлар ҳам ўз юмушлари билан банд.

Боғдорчилик ишлари билан шуғулланаётган 31 совхозда дала ишлари кундан-кунга авж олмоқда. Улар етиштираётган турли-туман маҳсулотлар озиқ-овқат саноатимизнинг мустаҳкам хомашё базаси ҳисобланади.

Бу боғдорчилик совхозларида ҳозирги, дамларда кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар амалга оширилаяпти. Маълумки, ўтган йилги қаттиқ қиш айрим майдонлардаги боғларга анча зарар етказди. Областимиздаги 3670 гектар майдондаги шафтоли дарахтларининг кўпчилиги совуқдан шикастланди. Ана шу майдондаги шафтолизорларнинг ўтган йилнинг ўзидаёқ 1500 гектари қайта тикланди. Қолганларини эса шу йилги кўклам экиш кампанияси даврида тиклаб олиш ишлари амалга оширилаяпти.

Бу соҳада «Дўрмон», «Бўстонлиқ» совхозлари ҳамда Ўсмон Юсупов номли агропромкомбинат ишчилари яхши кўрсатчичларга эришмоқдалар. Бундан ташқари совхозлардаги 2 минг гектар олхўри дарахти ҳам қаттиқ зарарланди. Шу майдонларни тиклаш ишлари ҳам кенг миқёсда олиб борилмоқда.

11 минг гектар майдондаги олмазордан 400 гектарга яқини шикастланди. Боғбонлар ана шу олмазорларни тиклаш учун ҳаракат қилиб, қуриган дарахтлар ўрнига янги олма кўчатлари ўтказаётирлар.

Олмалиқ ва Янгийўл зоналарида барпо этилган 700 гектар майдондаги боғлардан юбилей йилида биринчи марта кўплаб мева олиш мўлжалланаяпти.

Зарарланган ва совуқ батамом қуритган майдонларни янгилаш ва тиклашдан ташқари янгидан 300 гектар майдонда боғзорлар барпо қилиш ҳам планлаштирилган эди. Шуниси қувончлики, совхозларнинг ишчилари экилаётган мева дарахти кўчатларини ўзлари учун ўзлари тайёрлашаяпти.

Бундан ташқари совхозларнинг ишчилари янги токзорлар барпо қилиш, мавжуд 5800 гектар майдондаги узумзорлардан олинадиган ҳосилни ошириш соҳасида ҳам талайгина тадбирларни амалга оширишаяпти.

Боғдорчиликда бундай кенг миқёсдаги ишларнинг кўпчилик қисми машина ва механизмлар ёрдамида бажарилмоқда.

Областимиз соҳибкорларининг беш йилликнинг сўнгги йили учун олган мажбуриятлари қатта. Улар ўтган йилги табиий офат оқибатларини тўла тугатиб, мавжуд боғ ва узумзорлардан мўлжалдагидан анча кўпроқ ҳосил етиштириш учун курашаяптилар.

Д. ПОЛЕВОЙ.

ҚУРУВЧИ МУАЛЛИМЛАР СЕМИНАРИ

Тошкент қурилиш техникуми яқинда республикамизнинг қатор шаҳар ва областларидан келган қурилиш техникаси ва технологияси бўйича дарс берувчи ўқитувчилар билан гавжум бўлди.

Семинар бор йўғи уч кун давом этган бўлса-да, қурилишга оид қатор актул масалалар юзасидан лекция ва суҳбатлар ўтказилди. Жумладан, қурилиш ишлаб чиқариши ва технологиясининг прогрессив усуллари, қурилиш техникумларида курс ҳамда диплом ишлари лойиҳалари методикаси, сейсмик районларда кўп қаватли бинолар қуришнинг айрим хусусиятлари каби мавзулар бўйича лекциялар тингланди.

Бундан ташқари, семинар қатнашчилари Тошкент қурилиш техникумида ихтисослаштирилган фанлар бўйича дарс олиб бориш иши билан яқиндан танишишди, республика халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси ҳамда «Главташкентстрой»нинг зардоб қурилиш участкаларида бўлиб, илғорлар тажрибаси билан танишдилар.

Айниқса, Ўзбекистон ССР Олий ва Ўрта махсус таълим министрининг биринчи ўринбосари Ўртоқ К. Афанасьев лекцияси тингловчиларга манзур бўлди. Министр ўринбосари бўлажак қурувчи-мутахассисларни ўз касбини севувчи, уни ардоқловчи кишилар қилиб тарбиялаш, техникумлар қошида тажриба-конструкторлик базалари ташкил этишга даъват қилди.

Шунингдек, семинар қатнашчилари Тошкент политехника институти ўқитувчи ва олимларининг қурилиш техникасининг сўнгги ютуқлари, меҳнатни илмий ташкил этиш хусусида ўқиган лекцияларини ҳам мароқ билан тинглашди.

И. ЛЕИН.



ЯНГИ Тошкент йил сайин кўркамлашиб бормоқда. Янги кварталлар, хиёбонлар, кенг кўчалар шаҳар ҳуснига-ҳусн қўшаяпти. Пойтахтнинг марказий Навоий проспекти айниқса, гўзаллашмоқда. Сўнгги йилларда қад кўтарган кўп қаватли турар-жой ва маданий-маиший бинолар кўча жамолини беқиёс очиб юборди. Бу бинолар ҳар қандай зилзилага бардош бера олади. Сиз суратда Навоий проспектининг бугунги чиройини кўриб турибсиз.

Л. Глауберзон фотоси.

ҚУРИЛИШ, НОТ, САМАРА

Меҳнатни илмий асосда ташкил қилишнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши Владимир Ильич Ленининг номи билан чамбарчас боғланган. Бу соҳадаги энг муҳим назарий фикрларни ишлаб чиқишда улуғ доҳийнинг хизмати катта. У, НОТга қисқа муддатли кампания деб қараш ярамайди, бу иш кўп йиллар ва ўн йилликларга чўзиладиган вазифадир, деб таъкидлаган эди.

Замон В. И. Ленининг нақадар ҳақ эканлигини кўрсатди. Ўнинг коммунизм ғалабаси учун меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг қудратли омили бўлган НОТ ҳақидаги фикрлари ҳозир ҳар бир совет меҳнаткашининг иш программаси бўлиб турибди.

Бинокорликда меҳнатни илмий асосда ташкл қилиш — қурилиш фани ва практикасининг энг янги муваффақиятларига асосланиб, узлуксиз ўтказиладиган, бир-бирига боғланган ва доимо такомиллаштириб бориладиган ташкилий, техникавий, технологик ва иқтисодий тадбирлар комплексидир.

Тошкент областидаги кўпгина қурилиш, монтаж ташкилотларида ва бинокорлик индустрияси корхоналарида меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш масалалари амалий жиҳатдан ҳал қилинмоқда: тегишли бўлимлар тузилди, НОТ планлари ишлаб чиқилиб, жорий этилмоқда. Қурилиш трестлари ва корхоналарда НОТга доир методик ишларга раҳбарлик қиладиган НОТ кенгашлари ташкил этилмоқда.

«Главташкентстрой» трестлари ва бошқармаларида ўнлаб НОТ кенгаши ва ижодий группалар тузилган. «Узбекшахтострой» трестида битта НОТ кенгаши ва 32 та ижодий группа, 160-қурилиш трестида 8 та НОТ кенгаши ва 48 та ижодий группа, «Узглавстройиндустрия» Бош бошқармасида эса битта НОТ кенгаши ва 58 та ижодий группа ишлаб турипти. Бошқа қурилиш ташкилотларида ҳам кенгашлар ҳамда ижодий группалар бор.

СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли Бутуниттифоқ «Оргмонтажспецстрой» институтининг Тошкент филиали республикамиз ва областимиздаги монтаж ва махсус қурилиш ишлари олиб борувчи ташкилотларда меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш бўйича амалга оширилаётган тадбирларнинг ташаббускорлари бўлишмоқда.

1966 йилдаёқ бу филиалнинг ходимлари томонидан НОТ планларини тузиш ва амалга ошириш методикаси ишлаб чиқилган эди. **Филиал коллективи 1968 йилда 21 та НОТ планини ишлаб чиқдилар. Бу планлар 1968-69 йилларда ишлаб чиқаришга жорий қилиниб 400 минг сўмга яқин иқтисодий фойда олди. Улар ўтган йили 15 та НОТ плани ишлаб чиқишди.** Филиал ходимлари 93-ихтисослаштирилган трестнинг Чирчиқдаги «Промтехмонтаж» бошқармаси учун комплекс НОТ плани тайёрлаб бердилар. Бу планни амалда қўлланиш натижасида 282 минг сўмлик иқтисодий фойда олиш кўзда тутилмоқда.

Олмаликдаги 5-темир-бетон буюмлари заводида цементни вагонлардан тушириш ва бетон узелига етказиб бериш масаласида қийинчилик туғилган эди. Бу ерда НОТ жорий қилиниб цементни пневматик равишда етказиб бериш йўлга қўйилди. **Натижада темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёни енгиллашиб, 5040 сўм иқтисодий фойда олиш имкони туғилди. 2-ёғочсозлик заводида меҳнатни илмий уюштириш юзасидан кўрилган тадбирлар натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш 1,4 марта ошди. Йилига эшик блоклари тайёрлаш 75,3 мингдан 109,4 минг квадрат метргача кўпайди. Меҳнат унумдорлиги эса 12,2 процент ошди.** «Ташоблтрансспецстрой» трестининг НОТ кенгаши аъзолари машина ва механизмларнинг бекор туриб қолиш сабабларини ўрганиб чиқишди. Шундан сўнг улар асбоб-ускуналарни бекор туриб қолиш вақтини тўрт процент, иш вақтининг бекорга ўтишини эса 1,2 процент қисқартириш имконини берувчи тадбирларни амалга оширишди. Бу кўшимча равишда 80 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш имконини берди.

Оҳангарондаги «Узбекшахтострой» трести коллективи 40 квартирали турар-жой бинои ва бошқа айрим объектларни НОТнинг ижодий бригадаси ишлаб чиққан технологик карталарга мувофиқ қурди. **Бу комплекс бригадалардаги ишчилар сонини камайтириш имконини берди, айни вақтда меҳнат унумдорлиги ошди, объектларни қуриш муддати ўртача икки ойга қисқарди. Трест коллективи 75,3 минг сўм иқтисодий фойда кўрди. Ўтган йили трестда НОТ планларини жорий қилиш натижасида ҳаммаси бўлиб 108 минг сўмлик давлат маблағи тежаб қолинди.** Чирчиқдаги 160-**қурилиш трести коллективи эса 1966—1969 йилларда 46 та НОТ планларини амалга ошириб, 680 минг сўмлик давлат маблағини тежаб қолдилар.** Хозирги кунда бу трестда 8 та НОТ кенгаши ва 48 та ижодий группа иш олиб бормоқда.

«Ташсантехгазмонтаж» трести уй-жой биноларининг ички санитария-техника қурилмаларини монтаж қилиш участкасида ишни илмий асосда ташкил этди. Натижада меҳнат звеналар ўртасида рационал тақсимланди. Механизация воситалари кенг қўлланилди ҳамда ишга ҳак тўлашда прогрессив усуллар жорий қилинди. **Шу туфайли трестнинг фақатгина «Горсантехгазмонтаж» бошқармасида 80300 сўмлик шартли йиллик иқтисодий фойда олди. Ҳар бир ишчи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ўрта ҳисобда 28 процент кўпайди.** «Главташкентстрой»га қарашли 3-қурилиш трестида НОТни жорий қилиш яхши йўлга қўйилган. Бу ерда асбоб-ускуналардан ва мосламалардан рационал фойдаланиш натижасида ўтган йили 20 минг сўмдан ортиқ фойда кўрилди.

Лекин шуни қайд қилиш керакки, катор қурилиш ташкилотларида меҳнатни илмий уюштиришга етарли даражада эътибор бериламаяпти. «Узколхозстрой», «Узлавводстрой» ва «Узбекгидроэнергострой»нинг Тошкент областидаги қурилиш ташкилотларида шундай аҳволни кўриш мумкин.

Тажриба тариқасида «Узоргтехводстрой» трестининг НОТ бўлими ўтган йили «Узлавводстрой»га қарашли Тошкент темирбетон буюмлари заводи учун НОТни жорий қилиш бўйича план тузиб чиққан эди. Бу план бўйича 20 та тадбир амалга оширилиши керак эди. Бундан завод ўтган йили 60 минг сўм иқтисод қилиши зарур эди. Амалда бундай бўлмади. Белгиланган 20 ишдан фақатгина 8 таси жорий қилинди ва бор-йўғи 5,5 минг сўм фойда кўрилди. Ваҳоланки корхонада белгиланган барча чораларни амалга ошириш учун шароит бор эди. Аммо завод раҳбарлари (директори Ўртоқ Тэн) бу ишга лозим даражада аҳамият бермаганликлари оқибатида шундай аҳвол содир бўлди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бизнингча, Ўзбекистон қурилишларида меҳнатни илмий ташкил этишни кенгайтириш, бу соҳада белгиланган тадбирларнинг тўла амалга оошишига эришиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш манфаатлари бир қанча масалаларни ижобий ҳал қилишни тақоза этади. **Жумладан, Тошкентда СССР Госстройига қарашли Бутуниттифоқ меҳнат бўйича илмий текшириш ва лойиҳалаш институтининг филиалини очиш лозим.**

Қурилиш министрликлари ва бош бошқармаларда йирик НОТ лабораториялари ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бундан ташқари, республикамиз қурилишларида меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш бўйича координацион марказ тузиш масаласини ўйлаб кўриш керак. Уни ташкил этиш шубҳасиз қурилишларда меҳнатни илмий уюштириш ишларини жонлантиришга ёрдам беради.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш, халқ хўжалигида тежамкорлик режимини кучайтириш ҳақидаги Хати давлат маблағларини иқтисод қилишнинг асосий омилларидан бири бўлган меҳнатни илмий уюштиришни кенг жорий қилишни тақоза этади. Шунинг учун ҳам Хатда қўйилган вазифаларнинг тўла-тўкис бажарилишига эришиш учун бошқа тадбирлар қатори меҳнатни илмий асосда ташкил этиш миқёсини ҳар томонлама кенгайтириш лозим.

М. СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қурилиш бўлимининг катта референти.

КЎРГАЗМАЛИ ТАЪЛИМ ВА МАКТАБ

«Кўргазмали таълим нима?—деб ёзган эди атоқли совет педагоги К. Д. Ушинский.—Ҳа, бу шундай таълимки, у бевосита бола қабул қиладиган нарсани қандайдир тасаввур ва сўзлар орқали эмас, балки конкрет образлар орқали кўрсатади».

Республикамиз мактабларида ҳам таълимнинг бу фойдали усули кенг ривож топмоқда.

— Кўргазмали дарсларни мазмунли ва қизиқарли олиб борилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ҳузурида ўқув-кўргазмали қуроллар ва мактаб ашёлари савдо бошқармаси ташкил этилди,— дейди мухбиримиз билан суҳбатда шу ташкилот бошлиғи ўртоқ И. Парсоев.— Кейинги йилларда бизда билим ўчоқлари тармоғи анча кенгайди, янги мактаблар қурилди. Бу биноларда фанлар бўйича алоҳида кабинетлар ишлаб турибди. Амалий малака ҳосил қилиш мақсадида турли устахоналар ҳам ташкил этилмоқда. Темирчилик, тикувчилик, электромеханика сингари ўқув-устахоналари зарур асбоб-ускуналар билан таъминланди. Тўғарак машғулотларини ташкил этиш учун ҳам бу хил кўргазмали қуроллар олинди.

Шуниси қувончлики, ҳозир кўпгина мактабларда киноаппаратлар, телевизор, магнитофон, радиоузел бор. Техникага ҳавас қўйган ўқувчилар техника воситалари ёрдамида амалий иш билан машғул бўладилар.

— Мактабларни техникавий кўргазмали қуроллар билан таъминлашда ва жиҳозлашда қардош республикалар ҳам ёрдам беришяптими?

— Қардошларимизнинг бу борадаги ҳимматидан маориф ходимларимиз миннатдорлар. Бошқармамиз мамлакатимиздаги кўпгина корхоналар билан алоқа боғлаган. Айниқса, Москва, Ленинград шаҳарларидаги «Физэлектроприбор», «Электроделo» каби заводлар бизнинг буюртмаларимиз бўйича янги ўқув асбоб-ускуналарини ўз вақтида юбориб турибдилар. Шунингдек, Львовдаги «Биофизприбор», Одессадаги «Красний Октябрь», Днепропетровскдаги «Физприбор» заводларидан олинаётган буюмлар мактабларда фан кабинетларини жиҳозлаш имконини бермоқда.

Кейинги 3—4 ой ичида пойтахт области ва Тошкент шаҳридаги 30 дан ортиқ мактабда устахона ва фан кабинетлари очилиб, улар керакли ўқув қуроллари билан таъминланди. Бунда область ўқув-кўргазма қуроллари магазини мактабларнинг педагогик коллективлари билан бамаслаҳат иш тутиб, ўқув қуролларини реализация қилишнинг турли усулларидан кенг фойдаланмоқда. Шунинг учун ойлик ва квартал планлари ортиғи билан адо этилаётир.

— Мактабларда янги ўқув программаларига ўтилиши муносабати билан бошқарма йўли билан қандай ишлар амалга оширилади?

— Республикамизда умумий ўрта таълимга ўтишни тўла амалга ошириш мактабларнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашни тақозо қилади. Кейинги 2—3 йил ичида физика, химия, биология ҳамда бошқа умумий таълим фанларига оид кабинетлар ва ўқув устахоналари бўлмаган биронта ҳам мактаб қолмаслиги керак. Янгидан ташкил этилган кабинетлар эса барча ўқув-кўргазмали қуроллар билан тўла жиҳозланади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги яқинда республика мактабларида ўқув кабинетлари ва устахоналари ташкил этишни янада яхшилаш масаласини кўриб чиқди ва қатор вазифалар белгилади. Эндиликда ҳар бир область, ҳар бир шаҳар ва район мактабларида янги ўқув кабинетлари ташкил этиш вазифаси турибди.

Юбилей ўқув йили давом этаётган бир пайтда жойларда кабинетлар ва ўқув устахоналари очиш ишлари қизғин тус олдирилди. Яқин вақт ичида бу иш муваффақиятли тугалланади. Ёш авлодни замонамизга муносиб кишилар қилиб етиштиришда кўргазмали таълимнинг роли тағин ҳам ортади.

* *

Калинин районидаги 39-мактаб ёш мичуринчилари кучи билан билим ўчоғи боғи барпо этилмоқда. Улар биология ўқитувчиси З. Мўминов раҳбарлигида тажриба участкасида кўчат ўтказмоқдалар. Суратда: ўқувчилар тажриба участкасида.

Н. Аъзамов фотоси.

ҚОДИРИЯ ВОДОПРОВОДИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

ҚИБРАЙ. (Тошкент области). 24 март. (ЎзТАГ). Бугун давлат комиссияси Ўрта Осиёда энг катта Қодирия водопроводи бош иншоотининг биринчи блокини фойдаланишга қабул қилиб олди. Бу иншоот Тошкентни сув билан таъминлашни яхшилайди. 130 гектарли майдонда кучли насос станцияси ва сувни фильтрловчи станция қурилди, бир миллион куб метр сувни тиндириб чиқариб турувчи ҳовуз қуриб битказилди. Водопроводнинг биринчи блоки ҳар куни шаҳарга 300 минг куб метр сув юбориб туради. Қодирия водопроводи бош иншоотининг иккинч блокини қуришга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

ТОШКЕНТ трактор заводи доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига областимиз механизаторларига дастлабки агрегатларни жўнатади. Суратда: заводнинг тайёр маҳсулотлар майдонида.

Г. ПУН фотоси. (ЎзТАГ).

БОЛАЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИНИ КЎЗЛАБ

Шифохонамизда асосан болалар даволанишади. У Тошкент Давлат Медицина институти педиатрия факультети тажриба базаси ҳисобланади.

Коллективимизни оталикка олган Тошкент Давлат Медицина институти бизга яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Айниқса, профессор Саломат опа Ўлдошева хизматини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдик. Моҳир педиатр С. Ўлдошева бой тажрибаларини шифокорларимизга ўргатмоқда, беморларни даволашда маслаҳатлар бермоқда.

Ординаторларимиздан Н. Ҳасанов, З. Ганчаренко, Г. Мусаилова, М Мирахмедова, Қ. Асланов, И. Тохиров ва бошқалар кафедра аъзолари билан яқиндан алоқа ўрнатишган. Тез-тез клиника ва илмий конференцияларда иштирок этиб туришади.

Бемор болалар билан муомала қилиш, улар дилидагини билишда Р. Докучаева, Ш. Ирисова, А. Степанова, З. Хусанова сингари ҳамшираларимиз хизматини ҳам айтиб ўтиш керак.

Ревматолог врачлар учун бизнинг шифохонамиз айни вақтда тажриба базаси вазифасини ҳам ўтайди. Болалар поликлиникаларининг ревматологлари икки ойлик курсда ўқиб туришади.

Клиник ва биохимик лабораторияларимиз ҳозирги замон медицинасининг энг янги аппаратлари билан жиҳозланган. Функционал диагностика кабинети ташкил этилган. Ундаги аппаратлар врачларимиздаги бемор касалини тўғри аниқлаш ва диагноз қўйишда жуда қўл келмоқда.

Бод, қулоқ, томоқ, юрак касалликлари билан оғриган беморларни даволашда энг янги аппаратлар, дори-дармонлар ва антибиотиклардан фойдаланяпмиз.

Шифохонамиз врачлари ва ҳамширалари тез-тез жойларга бориб туришади, тозаликка риоя қилиш, касалликнинг олдини олиш ҳақида суҳбатлар ўтказишади.

Катта профилактик ишларни олиб бораётганлигимиз туфайли стационарга келган беморлар тезда дардларига шифо топишмоқда.

Шифохонамиз коллективи болаларимиз саломатлигини кўзлаб катта ишлар қилмоқда. Уларнинг бутун диққат эътибори шифохонага келган ҳар бир беморни дарддан бутунлай ҳалос этишга қаратилган.

Ш. РУСТАМОВ,
Тошкентдаги 6-болалар касалхонасининг бош врачи.

РЕЗЕРВЛАР ИШГА СОЛИНМОҚДА

Смена охирлаб қолган эди. Радиокарнайдан дикторнинг таниш овози эшитилди.

— Диққат, диққат! Завод радиоузелидан гапирамиз... Ишчилар бир зум дастгоҳларни тўхтатишиб, радиога қулоқ солишди.

— Бугун, 24 мартда тўртинчи цехнинг пресслаш участкаси ишчилари ажойиб ютуқни қўлга киритдилар. Улар март ойи ва квартал планини муддатидан илгари адо этдилар.

Диктор сўнгра меҳнатда ўрнак кўрсатган илғорлар номини тилга олди, нқровардида заводнинг барча ишчи-хизматчиларини ана шу азамат пешқадамлардан ўрнак олишга чақирди.

Пресс участкаси ишчилари бир-бирларини қутлар, чехраларидан табассум аримасди. Ҳамма яхши кайфият билан ишни бошлаб юборди.

Цех бошлиғи Ш. Кадряев эса кабинетида март ойида тежалган хомашёни ҳисоб-китоб қилиб ўтирарди. У рақамларни чўтга ташлаб, хурсанд бўлиб кетди. «Агар ҳар ойда фақат цехимиздан шунчадан хомашё тежаладиган бўлса, завод бўйича бу жуда катта рақамни ташкил қилади-ку» ҳаёлидан ўтказди цех бошлиғи.

Шу топда унинг икки ярим ҳафта аввал бўлиб ўтган йиғилиши эсига тушди. Ишчилар ўша йиғилишда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва халқ хўжалигида тежамкорликка қатъиқ риоя қилиш тўғрисидаги Хатини муҳокама қилишиб қатор таклифларни ўртага ташлашган эди.

Айниқса, Коммунистик меҳнат зарбдори, штамповкачи Галина Саражинанинг гаплари ҳаммага маъқул бўлган эди. Ўшанда Галина «СКП-3» шайбаси учун қирқиладиган 40 миллиметрлик металлни 35 миллиметрга келтириш мумкинлигини далиллар билан исботлаб берган эди. Мана бугун фақат шу операциянинг ўзидан юзлаб килограмм металл тежаб қолинмоқда.

С. Соатов, Г. Ташева, И. Колбасколар ҳам тежамкорлик ҳақида гапиришиб, исрофгарчиликка йўл қўйган айрим ҳамкасбларини қаттиқ танқид қилишган эди. Ўша куни йиғилишдан кейин «Ишчи ўртоқ ёдингда тут» деган хитоднома ёзилиб, ундо ҳар бир килограмм хомашё ва ҳар бир дона запас қисм корхонага қанча фойда келтириши айтилган эди.

4-цех билан 11-цех ахил тотув қўшнини эслатади. Иккала цех бир улкан корпусга жойлашган. Ўнг томонда 63, 100 ва 160 тонналик забардаст пресслаш станокларининг зарбаси эшитилади. Чап томонда эса дам-бадам конвейердан чиққан «Т28х4» трактори тириллаб қолади.

Участка мастери Элдор Тагиров билан цех айланиб юрибмиз. Мастер пресс станогидан бирин-кетин тушаётган иккита ҳалқани қўлига олиб бизга юзланди.

— Буни стопор ҳалқаси дейилади. «7185» ҳам деб атаймиз. Мана буниси «7098». Авваллари, «7085» ҳалқасидан чиққан чиқиндидан фойдаланилмасди. Натижада жуда кўп хомашё исроф бўларди. Эндиликда эса янги махсулот «7098» ҳалқаларини тайёрлай бошладик. Бу ҳалқалар «7185» ҳалқасидан чиққан чиқиндилардан тайёрланади.

Цехнинг қайси бир участкасида бўлманг қайноқ меҳнат жараёнини кўрасиз. Ҳамма ўз иши билан банд. Бу ерда асосан ҳалқалар ва кранштейнлар тайёрланади. Ишчилар қўлидан чиқаётган ҳар бир қисмни сифатли бўлишига жиддий эътибор беришмоқда. Ўзаро мусобақа яхши йўлга қўйилган. Меҳнат зарбдорлари сафи тобора кенгаймоқда. Қайси бир участкада исрофгарчиликка йўл қўйилса, ёки меҳнат интизоми бузилгудек бўлса, ўша заҳоти камчиликнинг олди олинади, айбдорлар огоҳлантирилади.

Пайвандчи Улуғбек Ортиқбоев ёш ишчилардан ҳисобланади. У заводга келганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Дастлабки кезларн бир неча марта ишга кечикиб келди, дўстлар танбеҳига эътибор бермади. Огоҳлантиришлардан тўғри хулоса чиқармади. Ишчилар умумий йиғилиш ўтказишиб, Улуғбекка нотўғри йўлдан бораётганлигини айтишди, пул мукофотидан маҳрум этишди. Ботир Жабборовга Улуғбек Ортиқбоевни оталикка олиш топширилди. Орадан кўп ўтмай Улуғбек яхши ишчилар қаторида тилга олинадиган бўлди.

Цехнинг С. Мусурмонқулов бошлиқ термик ишлов берш участкаси, И. Загребной бошқараётган темирчилик участкалари ҳам ўзаро мусобақада яхши натижаларга эришмоқдалар.

Цех ишчилари маҳсулот тежаб қолишда зиммаларига конкрет мажбурият олишган. Улар бир тонна турли ҳажмдаги труба, икки тоннага яқин прокат, ярим тонна металл иқтисод қилиш ва имкони борича бракка йўл қўймасликка аҳд қилишган. Пресс-чилар 11 апрелда шанбалик ўтказиб, ўша куни фақат тежалган хомашё ҳисобига меҳнат қилишга қарор қилишган.

Қўшни 11-цехга ўтдик. Конвейерда ўнлаб янги тракторлар тизилиб турибди. Олмос Абдуқаюмов осма крандан туширилган трактор ғилдирагини аста ўққа ўрнатди-да, автомат калит билан болтларни буради. Саккизта болтни бир минутга ҳам қолмай бураб бўлди-да, чаққонлик билан нариги томонга ўтди. У ерда ҳам операцияни бажаргач, иккинчи трактор томон юрди. Слесарь обкаткачи Қучқор Маъруров тракторни қўлдан кечиргач, рулга ўтирди ва моторни юргазиб, цех дарвозасидан ҳовлига чиқди. Машина жўнатишга тайёр эди.

Ш. УМУРЗОҚОВ.
Ўзбекистон трактор-йиғув заводи.

СТАЛИНГРАДДАН БЕРЛИНГАЧА

ҒАЛАБА 25 ЙИЛ БАЙРОҒИ

... 1942 йилдан 1943 йилга ўтар қаҳратон қиш қиличини ялонғочлаб кириб келган дамлар. Азим Волга соҳилларида Сталинград учун жангу жадал чўққисига чиққан кезларда шаҳарни мудофаа қилаётган турли миллатларга мансуб баҳодирлар орасида камсуҳан, камтарин, қотмадан келган, ўрта бўйли, абжирлик бобида ҳар қандай баҳодирдан қолишмайдиган ўзбек йигити Раҳимжон ҳам бор эди. У, алоҳида полк таркибидаги қирувчи тўплар батальонида наводчаги, яъни тўп отувчи бўлиб хизмат киларди.

Раҳимжон урушга фашистлар ҳужумининг энг зўрайган, айни замонда қўшинларимиз мудофаасининг метиндай мустаҳкамланган пайтларида келди. Асосий вазифаси тўпчи бўлишига қарамай, вазият тақозоси билан мудофаанинг олдинги чизигида жойлашган кузатиш нуқтасига бориб, навбатчилик ҳам қилиб турарди. Душманнинг олдинги позицияси билан совет жангчилари орасидаги масофа ярим чақиримча бор. Шунинг учун ҳам бизникилар навбатчиларни фақат қоқ ярим кечада алмаштиришар эди. Ўшанда ҳам адашиб қолмаслик учун олдинги чизиққа тортилган алоқа сими узра бориларди.

Навбатчиликка бориш гали Раҳимжонга келганда, батарея командири асосий вазифани тушунтирди-да, оқ йўл тилаб қолди. Жанговар вазифани олган Раҳимжон бир сержант ҳамроҳлигида ерда ётган сим бўйлаб тим қоронғи тун оғушига шўнғиди. ғойиб бўлди.

Ҳар иккала томон ҳам сергак: аҳён-аҳёнда осмонда ёритувчи ракеталар порлаб, қисқа-қисқа отишмалар бўлиб турибди. Ракета отилган заҳоти Раҳимжон билан сержант ўзларини таппа ерга ташлашади. Сўнгги биланоқ сапчиб ўринларидан туриб, олдинга ошиқадилар. Узоқ муддат давомида осмонда турадиган ракета отилгундек бўлса борми, ер бағирлаб қолишади. Бунаканги даҳшатли лаларда гитлерчиларнинг истеҳкомлари ҳам яққол кўзга ташланади.

Ниҳоят, улар белгиланган жойга яқинлашишди.

Шу пайт:

— Тўхта! Кимсан! Тўхта, отиб ташлайман! — деб қолди кимдир.

Сержант паролни айтди. Сўроқлаган киши ҳам пароль билан жавоб қайтаргач, яқинроқ келишга ижозат берди. Сержант соқчиларни алмаштириб, Раҳимжонни постда қолдирди-да, аввалги соқчини эргаштириб изига қайтди.

Ефрейтор Убайдуллаев турган мустаҳкам кузатув нуқтасида бир неча телефон симлари чатишган, унинг атрофида унча чуқур бўлмаган алоқа йўллари — траншеялар ҳам бор эди.

Раҳимжон киприк қоқмай карабинни маҳкам ушлаганича постда сергак турарди. Тонг ёришишига яқин душман томонида бирданига икки ракета отилиб, теварак-атрофни игна тушса топа олгудек ёритиб юборди. Раҳимжон, траншея брустверига ер бағирлаб ётиб олиб, ўша томонни кузата бошлади. Ракета ёруғида душман томонида елиб-югуриб юрган бир неча қуролли киши кўринди, зум ўтмай аллақаёқда автомату милтиқлардан ўзилган ўқлар овози эшитилди. Ракета ерга тушди-ю, парчаланган ўтдай тутаб, сўнди. Яна сукунат, қоронғулик.

Тонг отарга озгина вақт қолган паллада дафъатан тарақа-турқ, гумбур-гумбур авжига минди. Раҳимжон ўзини траншея тубига ташлади. Миналарнинг ванғиллаши, пулеметларнинг тинимсиз тириллашидан ўтакаси ёрилаёзган ёш жангчи қузатиш пунктида биғиллаб жиринглаётган телефон овозидан ўзига келди. Дивизион штабидан. «Нима гап, нега жаваб бермаяпсан?» деб кимнингдир фиғони чиқарди. Раҳимжон хеч нарсадан чўчимагандай, сир бой бермай, кўрган-билганларини командирга хабар қилди.

— Ҳушёр туравер, қўрқма, бунақанги отишмалар бўлиб туради, — деди командир далда бериб, —Ҳушёр тур, смена юборилапти.

Навбатчи белгиланган вақтда етиб келди. Тонгги ғира-шира пайт эмасми, соқчи бу гал сержантсиз келди. Убайдуллаев постни топшириб, ерда ётган телефон сими бўйлаб батарея томон йўлга тушди. Оппоқ қорнинг тагидан чиқиб турган бурганга ўхшаш ўт-алафдан бошқа нарса кўзга ташланмайди. Гўё бутун борлиқ улкан оқ чойшабга ўраниб олгандек. Ўзи ҳам оқ читдан ниқоб халат кийиб олган. Адашиб қолмаслик учун ўқтин-ўқтин энгашиб, симни ушлаб кўздида, йўлида давом этади.

Тавба! Бир жойга келиб сим йўналишини ўзгартирди. Тўғрига эмас, икки қарама-қарши тарафга тортилган. Раҳимжон хайрон: қай томонга юришини билмайди. Таваккал қилиб, чап томонга юра кетди. Ярим чақирим чамаси йўл босгач, мутлақо бошқа томонга кетаётганини пайқади, орқага қайтди, боя бурилган жойига келиб тўхтади. Шу пайт осмонда яна ракета порлаб, ҳаммаёқни ёритиб юборди. Шартта ўзини қорга ташлади-ю, бошини кўтариб, ўёқ-буёққа разм солди. Узоқда батарея позициялари кўрингандай бўлди. Ракета ерга тушиб ўчиши биланоқ ўша томонга ошиқди. Яқинлашиб қараса, батарея тўплари йўқ. Демак, янглишиб, бошқа жойга бориб қолган, адашган.

Қутилмаганда сулайиб ётган бир одамга дуч келиб қолди. Синчиклаб тикилди унга; қимирламаяпти. Карабиннинг қўндоғи билан туртиб кўрди — ўликка ўхшайди. Мурданинг ёнида котелок тўла бўтқа, икки бурда нон, битта фляга ётибди. Сув бўлса керак, деган хаёлга борди, флягани очган эди, димоғига ароқнинг ҳиди урилди. Олдинги чизиққа овқат келтириш ғоят қийин пайтлар эмасми, хойнаҳой дўстларим оч ўтиришгандир, деб нон билан флягани орқасидаги халтачага солиб, котелокни кўтариб олди-ю, кетаверди

Яна ракета отилди. У яна ўзини қорга ташлади. Ракетанинг шуъласида ящик кўтариб юрган кишилар кўринди. Ўзимизникилар позицияни ўзгартиришаётган бўлса керак, деб зудлик билан ўша ёққа чопди. Окопларга яқинлашгандай бўлди. Лекин шу лаҳза окоп томондан чет тилда айтилган хитоб овози янгради. Немис тилида эмас, бошқа чет тилда сўроқларди кимдир «Нима қилиш керак?» — деган савол Раҳимжонни чулғаб олди. Бир-икки одимлаши биланоқ затвор шарақлаб қолди. Қараса, рўпарасида душман унга қурол ўқталиб турибди. Кўп ўйлаб турмай қўлидаги бўтқа тўла котелокни душманга қараб зарб билан отди. фашист бўкирганича ерга йиқилди. Убайдуллаев орқага қайтиб, кучининг борича югураверди. Душманнинг олдинги позициясидаги бошқа соқчилар бояги жойда рўй берган ҳодисадан хабардор бўлиб қий-чув кўтаргунларича Раҳимжон аллақачонча ерга етиб олди.

Орқада ракета порлади. Автоматдан ўқ узилди. Куни кеча қиргин жанг ўтган майдонда саноқсиз ўликлар чўзилиб ётарди. Автомат тарилаган заҳоти Убайдуллаев ўзини ўликлар орасига ташлади. Ракета сўниб, қоронғулик чўкиши билан ўрнидан турди-да, қуролни маҳкам қисиб, олга қараб югурди.

Уруш ёш йигитга шундай синовларини кўндаланг қилди...

Собиқ тўпчи Раҳимжон бир-икки бор жароҳатланиб, ҳарбий шифохонада даволаниб чиққач, танкчи офицерлар тайёрлайдиган қисқа муддатли курсни битирган эди.

1944 йил декабрининг охирги кунлари. Гитлерчилар муқаррар маглубиятини сезса-да, жон талвасасида қаршилик кўрсатар, ҳар бир қарич ер осонлик билан қўлга киритилмасди.

Лейтенант Убайдуллаев хизматқилган Қизил байроқли танкчилар бригадаси таркибидаги полк фашистлар мудофаасини ёриб ўтиб, Польшанинг Магеллану деган йирик қишлоғини ишғол этиш ҳақида жанговар буйруқ олди. Қишлоқда фашист қўшинлари мустаҳкам ўрнашиб олган, шунинг учун ҳам қутилмаганда зарба бериб, қувиб чиқариш зарур эди. Полк командири танк бўлинмалари командирларини тўплаб, вазифани тушунтирди. Биринчи бўлиб йўл бошлаб бериш Убайдуллаев зиммасига тушди. Босиб ўтиладиган майдон душман мўлжалида тургани сабабли танкларимиз оралиғи 150—200 метрдан бўлиши, ҳужум объектига яқинлашгандан сўнг сафни зичлаб олиш тўғрисида келишилди.

Танклар катта тезликда йўлга тушди. Уларни қоралаб пиёда аскарлар кўтарилди. Кутилмаган ҳужумдан эс-ҳушини йўқотган душман мақсадсиз, пала-партиш ўқ уза бошлади. Жанг қизиб кетди. Тонготарга яқин қишлоқ фашистлардан озод қилинди. Талайгина ўлжалар, асирлар қўлга олинди. ... 1945 йилнинг 9 май субҳидами. Куни кеча гитлерчилар Германияси кудратли Совет Қуролли Кучлари олдида тиз чўкиб, сўзсиз таслим бўлди. Бу шодиёна кунни Раҳимжон олтин Прагада қарши олди.

Ҳали-ҳали эсида: оғир жанглар олиб бориб, душманни тобора ғарб томон улоқтириб ташлаётган танкчилар бригадаси Чехословакия пойтахтига кириб келиши билан шаҳар аҳолиси гулдасталар билан жангчиларимизга очиқ чехра ила пешвоз чиқар, бири нон, бири сув тутар, яна бирови кўзларидаги кувонч ёшини яширмай халоскорини самимий қучоқлаб ўпарди.

Орадан тағин бир йил ўтгач, гвардиячи лейтенант, жангларда чиниққан коммунист Раҳимжон Убайдуллаев кекса Волга бўйидан Прагагача бўлган йўлни бирга босган, бир бурда нонни бўлишиб баҳам кўрган полкдошлари билан хайр-хўшлашиб, кундиққони тўкилган она қишлоғига қайтди. Иккита иккинчи даражали «Ватан уруши» ордени, «Жасурлиги учун», Сталинград ва Прагани озод қилгани учун, фашистлар Германия си устидан эришилган ғалаба учун берилган медаллар унинг кўксини безаганди.

Армиядан қайтган захоти Раҳимжон аввалига Қорасув район партия ва ижроия комитетларида ишлади. Мана, ўн икки йилдирки, у журналист, Ленин партияси ғояларини халққа етказиб берувчи ғоявий жангчи. Коммунист Раҳимжон Убайдуллаев бир неча йилдан буён Оржоникидзе районида чиқадиган «Коммунизм тонги» газетасига муҳаррирлик қилиб келмоқда.

Ҳамид ТОЖИБОЕВ.

„УМИД“ РОМАНИ ҲАҚИДА

(ТАҚРИЗ)

«Мен кўпдан бери ҳар қандай бадиий асарга уч томондан баҳо беришни одат қилиб олганман, — деб ёзган эди буюк ёзувчи Лев Толстой, — биринчидан, мазмун томонидан: санъаткор ифодалаган ҳаётнинг янги томонлари кишилар учун қанчалик муҳим ва зарур; чунки ҳар қандай асар ҳаётнинг янги томонларини очгандагина санъат асаридир; иккинчидан, асарнинг шакли мазмунига қанчалик яхши, чиройли мос келган, ва учинчидан, санъаткорнинг ўз предметига муносабати қанчалик самимий, яъни у ўзи тасвирлаётган нарсага қанчалик ишонади. Бу сўнгги фазилат, назаримда санъат асари учун доимо энг муҳим фазилатдир. Бу фазилат санъат асарига куч бағишлайди, уни таъсирчан қилади, яъни ўқувчиларда санъаткор ҳис этган туйғуларни қўзғайди».

Ёзувчи Мирмуҳсиннинг янги «Умид» романини ўқиганимизда бенхтиёр шу табаррук сўзлар ёдимизга тушди. Китобни ўқиб чиқиб, чуқур ўйга толасан, киши. У ҳаётнинг мураккаб қарама-қаршиликларини, олижаноб ва пасткаш одамлар ўртасидаги курашнинг шиддатсиз бўлмаслигини ўзига хос теран услубда ифодалашга муваффақ бўлган.

Асарда икки ёш — етим ўсган аспирант Умид билан студент Ҳафизанинг қайноқ ва эҳтиросли, самимий ва пировардида аламли севгиси маҳорат билан тасвирланади. Бу муҳаббат фонида ҳаётнинг ҳали бошқа асарларда тилга олинмаган янги қирралари очилиб, замонавий, муҳим масалалар ўртага ташланади.

Пахтачилик илмий-текшириш институтининг ёш илмий ходими Умиднинг ғўза вилтига қарши курашдаги тинимсиз изланиш ва институтдаги институтнинг кўзга кўринган профессори Салимхон Обидийга маъқул тушган эди. Устод қанотида Умид келажакнинг сирли қучоғига ҳаёлан учарди. Унинг севгилиси Ҳафиза эса гўзал Фарғонадан келиб, Тошкент медицина институтига ўқишга киради. Икки ёшнинг бахтиёр, осуда дамлари лирик ҳис-ҳаяжон билан йўғрилган.

Аммо, ҳаётни равон йўл деб тушунган соддадил Умид устози Салимхон Обидийнинг асл қиёфасини ҳали билмасди. Обидий бир вақтлар пахтачилик илмида катта хизматлар қилган, энди эса ўша шуҳрати соясида баҳузур аспирантлар меҳнатидан фойдаланиб, маишат қилиб юрган шуҳратталаб «олим»лардан. Ёзувчи ана умумлашма образ даражасигача кўтарган. Бутун умри пахтачилик билан ўтаётган бўлса ҳам «пахта» сўзини «фахта» деб ёзади, чунки пахта юмшоқ, деб баҳслашиб юрган бу «олим» Умиднинг қўлёзмаларидан фойдаланиб, уни ўз қизи Жаннага уйлантириб, ичкуёв қилишдан, охири уни хўрлаб, бутун умидларини пучга чиқариш каби тубанликдан ҳам қайтмайди.

Умид эзгу умидлари сароб бўлиб чиққанига, алданганига анча кеч тушунади, бу хатосини тўғрилаш учун курашади. Унинг севгиси пок деб ўйлаган Ҳафиза эса бу хиёнатга чидаёлмай заҳар ичиб, тасодифан омон қолади. Воқеалар нинг, асар сюжетининг кескинлашиб борищи ўқувчи диққатини тортиб, унинг қаҳрамонлар тақдирига қизиқишини кучайтиради.

Ижобий, образлар — Умид, Ҳафиза, институт директори Шукур Каримович, салбий типлар — Салимхон Обидий, унинг хотини Сунбулхон, қизи Жанна. Умиднинг ўгай онаси Фотима образлари кескин ҳаётий конфликт асосида ёрқин яратилган.

Романнинг мазмуни бундан бой, албатта. Ишларнинг ҳаётда адашиб кўзлари очилиши, ота-оналарнинг ўз фарзандининг институтга киришига аралашмасликлари, фан кандидатлари масаласи, деҳқончиликда илм билан бирга «жонли китоблар» — тажрибакорлардан ҳам ўрганиш зарурлиги, ҳозирги замон «стилига»лар ахлоқи сингари актуал, ҳаётий масалалар ёзувчи қалбини ўртагани яққол кўринибди турибди.

Адиб характерларни табиий ва жонли чизиш, асарда ҳаёт яратиш, воқеаларнинг табиий оқимини кузатиш маҳоратини намоён қила олган. Ийл-йўлакай айтилган фалсафий фикрлар асар қаҳрамонлари руҳига сингдириб юборилган.

Умиднинг жиддий ва ёқимли сиймоси, Ҳафизадаги иффат ва софлик, бу олижаноб қизнинг бахтсиз севгиси қалбингизда чуқур из қолдиради. Умид образи айниқса тиниқлиги билан ажралиб туради. Риёкор, алдамчи маккор салбий образлар ҳам ўша даражада моҳирлик билан тасвирланган. Жанна образи «мана-ман» деб ярқираб турибди. Бу характерларни яратишда ёзувчининг услуби равонлиги ва жозибадорлиги қувонтиради.

Автор таъкидлари, образлар тилининг индивидуаллашгани ҳам ёзувчининг асардан-асарга маҳорати ошаётганини кўрсатади. Қаҳрамонлар ҳатти-ҳаракатига ёзувчининг очиқ муҳаббати ё нафрати билиниб турганги қандай яхши. Айниқса, кампир, чол ва аёллар психологияси (имтиҳонга дуч ўқиш, исириқ солиш), уларнинг тили ўқувчида завқ уйғотмай илож йўқ.

Ҳаётдан янги материал кўтариб чиққан бу қизиқарли асарда айрим мулоҳазали ўринлар ҳам учрайди. Ҳафизанинг ўқишдан бир йил қолиб кетган вақтдаги ҳолатлари ва кечинмалари кўздан йироқ бўлиб қолган. Ниҳоят, Иноятжон Умидга ҳайрихоҳ, кишибўлиб Жаннанинг илгари эрдан чиққанини билса ҳам нечунди Умидга аввал буни билдирмай юради. Қолаверса, кўпи-кўпшилар яхши кишилар ҳам Умидга бу «сир»ни негадир айтишмайди.

Қувончлиси шуки, «Умид» романи ҳаётимизнинг бир бўлагини ҳаққоний акс эттиргани, тасвирнинг самимийлиги билан адабиётимизда ўзига хос ўрин олади, деган умиддамиз.

Ҳамид ИКРОМОВ.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ВЕНГЕР МАДАНИЯТИ БАЙРАМИ

СССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Венгер халқи шонли воқеа арафасида турибди. Венгрия Совет армияси томонидан фашист босқинчиларидан озод қилинган кунга яқинда 25 йил тўлади. Бу санани Совет кишилари ҳам тантанали равишда нишонлайдилар: жумладан, мамлакатимизда шу байрамга бағишланиб Венгрия Халқ Республикасининг маданият кунлари ўтказилади.

24 мартда бўлиб ўтган матбуот конференциясида СССР Маданият министрининг ўринбосари Н. И. Мохов шу ҳақда маълумот берди.

СССР билан Венгриянинг маданий алоқалари,— деди у,— қадимий анъаналарга эга. Бу анъаналарга мамлакатларимизнинг тараққипарвар арбоблари Герцен ва Кошут, Петефи ва Горький, Лист ва Глинка асос солган.

1970 йил икки халқнинг ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим йил бўлиб қолди. Шу йил кузагида Венгрияда Совет маданияти кунлари ўтказилади. 25 мартдан 6 апрелгача СССРда венгер маданияти кунлари бўлиб ўтади.

Мамлакатимизда бўладиган тантаналарда Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, маданият ва маориф министри Пал Илку бошчилигидаги Венгрия Халқ Республикаси маданият арбоблари делегацияси қатнашади.

Бу байрам эртага Кремлнинг съездлар саройида очилади. Бу ерда Венгрия Халқ Республикасининг давлат қўшиғ ва рақс ансамбли ранг-баранг программада концерт беради.

Қардош халқнинг маданият байрами иттифоқдош республикаларнинг ҳамма пойтахтларида, кўпгина йирик шаҳарларда бўлиб ўтади. Совет—Венгер дўстлиги кечалари, ёзувчилар, композиторлар, артистлар, олимлар билан учрашувлар уюштирилади. Венгер фильмлари фестивали ўтказилади, китоблар ва тасвирий санъат кўргазмалари ташкил этилади.

(ТАСС мухбири).

АРАБ ПАРТИЗАНЛАРИНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ

АММОН, 24 март. (ТАСС). Фаластин Бирлашган қўмондонлиги вакилининг бугун эълон қилинган баёнотида айтилишича, фаластинликларнинг «Фатҳ» ташкилоти партизанлари ўтган ҳафта охирларида Голан тепалигида (Сурия)нинг оккупация қилинган қисми) исроил босқинчиларига қарши муваффақиятли равишда ўтказган операцияси натижасида Исроил солдатларидан кўп кишн ўлдирилди ва жароҳатлантирилди, бир неча автомашина яксон қилинди. Кеча партизанлар Иордан дарёси водисининг Шимолий қисмида Исроил соқчиларига ҳужум қилиб, улардан бир нечасини ўлдирдилар.

Фаластинликларнинг «миллий озодлик» ташкилоти жангчилари кейнги икки кун ичида шу районда душман автомашинасини ва кузатув пунктини яксон қилдилар.

Иордан дарёси водисининг марказий қисмида ҳам душманнинг бир неча солдат ва офицери ўлдирилди ва техникасига шикаст етказилди.

«Фаластин Халқ озодлик фронти»нинг партизанлари 14 мартдан 16 мартга қадар Ғазонинг Исроил босиб олган сектори территориясида бир қанча операция ўтказдилар. Натижада икки автомашина ичидаги солдатлари билан бирга мажақлаб ташланди.

ЛЮКСЕМБУРГ КОМПАРТИЯСИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ЛЮКСЕМБУРГ. (ТАСС). Люксембург Компартияси мамлакатнинг иккинчи катта шаҳри — ЭШ муниципал кенгашига ўтказилган сайловда муваффақиятга эришди. Компартия муниципал кенгашда яна бир ўрин олди, энди унинг кенгашда икки депутати бор.

Социалистик ишчи партияси сўл қанотининг вакиллари сайловдан сўнг кенгашда тўрт ўринга эга. Шундай қилиб, Люксембург Компартиясининг сўл социалистлар билан коалицияси муниципал кенгашда кўпчилик бўлиб қолди.

Сайловда парламент депутати Люксембург Компартияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси А. Узельдингер энг кўп овоз олди.

ИШ ТАШЛАГАНЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

ВАШИНГТОН, 24 март. (ТАСС). Президент Никсон Нью-Йорк почтачиларининг забастовкасини барбод этмоқ учун қўшинлардан фойдаланиш тўғрисида буйруқ берди. Бу забастовка Қўшма Штатларнинг ана шу катта шаҳридаги почта алоқасининг бутун системасини тўхтатиб қўйди.

Никсон иш ҳақи оширилишини талаб қилаётган почта ходимлари забастовкасига бағишлаб, радио ва телевидение орқали берган махсус баёнотида АҚШнинг бошқа шаҳарларида почтани етказиб бериш вазифаларини ўз зиммасига олиш тўғрисида қўшинларга буйруқ бераман, деб дўқ қилди. Президент почта бўлимларнинг «қонунга хилоф ишламаётганлигига қарши ҳамма зарур чораларни» кўриш учун Юстиция министрига вазифа топширганлигини ҳам маълум қилди. Никсон «минг-минглаб ишчилар қонунга хилоф забастовкада қатнашиб турган экан» почта ходимларининг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги талаблари ҳусусида ҳукумат музокаралар олиб боролмайди, деди.

Никсон гапириб бўлиши биланоқ Оқ уй АҚШ президенти «мамлакат фавқулодда ҳолат вазиятида» эканлигини эълон қилганлигини билдирди. Президент почта ходимларининг забастовкаси натижасида вужудга келган аҳвол муносабати билан зарур бўлган ҳамма ерларда қуролли кучларни ишга солиш тўғрисида АҚШ мудофаа министри Лэйрдга ҳам вазифа топширди.

Америка матбуотининг маълумотларига кўра, Американинг салкам 200 шаҳрини қамраб олган забастовкада 180 мингдан ошиқ киши қатнашмоқда.

Пентагон АҚШ армияси, ҳарбий ҳаво кучлари ва ҳарбий денгиз кучларининг 2,5 минг кишидан иборат бўлинмаларини Нью-Йоркка ташлаш тўғрисида буйруқ берилганлигини эълон қилди. Айни пайтда меҳнат ва почта министрлари маъмурият иш ташлаганлар билан можарода қаттиқ йўл тутиш ниятида эканлигини таъкидлашди.

ЛАОСДАГИ ЖАНГЛАР

ХАНОЙ, 24 март. (ТАСС). Лаос миллий озодлик армияси ўнг кучларга, танландик ёлланма аскарларга ва Америка «маслаҳатчилари»га қарши муваффақиятли жанг қилмоқда.

Вьетнам информация агентлигининг Каосан Патет-Лао агентлиги маълумотларига асосланиб хабар қилишича, 18 мартда ватанпарвар кучлар Танланднинг артиллерия дивизиони мадад учун эндигина етиб келган Самтхонг базасига шиддатли ҳужум қилдилар. Ярим соат давом этган жангдан кейин халқ озодлик армиясининг отрядлари Самтхонгни ишғол қилдилар. Душманнинг 100 дан ортиқ солдат ва офицери сафдан чиқарилди, ҳарбий амжомлар сақланаётган бир неча омбор яксон қилинди.

11 мартдан 18 мартга қадар Лаос ватанпарварлари жами бўлиб душманнинг 300 дан ортиқ солдатини ўлдирдилар, жароҳатлантирдилар ёки асир қилиб олдилар. Шу вақт ичида ватанпарварлар душманнинг иккита вертолетини уриб туширдилар, кўп миқдордаги ҳарбий техникасини ўлжа қилиб олдилар ёки мажақлаб ташладилар.

СОФИЯДА Владимир Ильич Ленин туғилган кунинг 100 йиллиги шарафига фотовиставка ташкил этилди. Бу ерда доҳий ҳаёти ва революцион курашидан ёзилган ўнлаб суратлар қўйилган. Суратда: виставка залида.

БТА—ТАСС фотоси.

ТАШВИҚОТЧИЛИК НАЙРАНГИ

ЛОНДОН, 24 март. (ТАСС). АҚШ ҳукуматининг Исроилга «Фантом» самолётларини қўшимча равишда етказиб беришни кейинга сурганлигини қандайдир «тинчлик ташаббуси» деб кўрсатиш йўлидаги уринишни ташвиқотчилик найрангидан бошқа нарса эмас, деб ёзади «Морнинг стар» газетаси.

Америка пули ва қурол-яроғи Исроилга узлуксиз юбориб турилибди ва бу пул билан қурол-яроғлар ана шу мамлакатнинг «араб мамлакатларидаги миллий-озодлик ҳаракатига қарши агрессия таянчи бўлиб қолаберишi» учун хизмат қилмоқда.

Никсоннинг Исроилга 100 миллион доллар қарз беришга қарор қилганлиги, деб таъкидланади мақолада. «Исроил раҳбарларининг позициясини тағин ҳам мустаҳкамлаш мақсадини кўзлайди».

Исроил билан АҚШ араб мамлакатларига қарши агрессив сиёсатни тўхтатган тақдирдагина Яқин Шарқдаги кескинлик юмшаши мумкин, деб ёзади «Морнинг стар» газетаси.

АҚШДА ЕР ОСТИ ЯДРО СИНОВИ ЎТКАЗИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 24 март. (ТАСС). Кеча АҚШда Невада штатидаги полигонда яна бир ер ости ядро синови ўтказилди.

Атом энергияси комиссиясининг ҳабар беришича, бу йил эълон қилинган ўн биринчи ядро қуроли синовининг портлаш кучи 20 килотоннадан 200 килотоннагача бўлди.

МАШЪУМ ДОКТРИНА АМАЛДА

ВАШИНГТОН, 24 март. (ТАСС). Қўшма Штатлар билан ҳарбий битимлар тузган мамлакатларга қурол-яроғларни насяга бериш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Америка конгрессининг вакиллар палатаси кеча қабул қилди. Шу қонун лойиҳасига биноан Грециянга, Сайгон қўғирчоқ режимига, Тайванга ва бошқа айрим мамлакатларга ҳарбий кемалар насяга етказиб берилади. Чунончи, Тайван учта сув ости кемаси, Жанубий Вьетнам эса иккита эсминец олади.

Илгари вакиллар палатасининг қуролли кучларга доир ишлар билан шуғулланувчи комиссияси қабул қилган шу қонун лойиҳасини муҳокама қилиш вақтида конгрессининг бошқа мамлакатларга қурол-яроғ етказиб беришга қарши чиқаётган бир қанча аъзолари уни танқид қилдилар. Вакиллар палатасининг аъзоси Д. Фрейзер айтдики, Чан Кай ши режимига сув ости кемаларини етказиб бериш Қўшма Штатларни «Узоқ Шарқдаги навбатдаги ҳарбий авантюрага» тортиши мумкин.

Лекин қурол-яроғ етказиб бериш тарафдорлари вакиллар палатасидаги овозларнинг кўпчилигини олишга муваффақ бўлдилар. Улар Никсоннинг «Гуам доктринаси»ни рўёчга қилиб кўрсатдилар. Шу доктрина АҚШнинг иттифоқчиларини дунёнинг турли районларида Вашингтоннинг ҳарбий-сиёсий мақсадларига эришишда тағин ҳам актив қатнаштиришни кўзда тутади.

Шу кунларда Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхозда дала ишлари қизғин. Сабзавоткорлар карам кўчати экишни уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Суратда: (чапдан ўнгга) С. Тешабоева, З. Носирова, М. Тайманова ва Д. Пунгибоева ўртоқлар парникларда етиштирилган кўчатни қандай ўтказиш ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

Қ. РОЗИҚОВ фотоси (ЎзТАГ).

Олий ўқув юртларида ленинча синовларга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети журналистика факультети студентлари ҳам ленинча синовда фаол иштирок этмоқдалар.

Суратда: факультетнинг 4-курс студентларидан С. Ибодуллаева ва А. Собировлар доҳий асарлари юзасидан ўзаро фикр алмашмоқдалар.

Ж. РАЗЗОҚОВ фотоси.

* *

Оржоникидзе район матлубот жамияти яқинда Қибрай посёлкасида шинамгина гастроном қуриб, фойдаланишга топширди. Бир неча бўлимдан иборат бу гастрономнинг хушфеъл, ширинсўз сотувчилари Қибрай посёлкаси аҳолисига юксак маданий савдо хизмати кўрсатиб келмоқда. Суратда: Савдо пайти.

И. ДУШКИН фотоси.

Спорт

ВАТАНДОШЛАРИМИЗ ҲАМОН ПЕШҚАДАМ

Швеция пойтахтида давом этаётган хоккей бўйича жаҳон биринчилиги қизғин кураш босқичига кирди. Навбатдаги ўйинда СССР терма командаси Германия Демократик республикаси спортчилари билан куч синашди. Учрашувнинг биринчи 20 минутида совет хоккейчилари муз устида тўла устунлик қилиб 4:0 ҳисобида олдинга ўтиб олишган бўлса, иккинчи қисмда немис спортчиларининг қўли баланд келди (1:0).

Мусобақанинг, айниқса, сўнгги қисми кескин спорт кураши остида ўтди. Совет командаси ҳужумчилари 20 минут ичида Пюршелни яна уч марта шайбани дарвозадан олиб чиқишга мажбур этдилар. Умумий ҳисоб 7:1.

Швеция ҳамда Чехословакия командалари учрашуви 2:2 ҳисобида дуранг бўлиб тугади. Етти ўйиндан 12 очко тўплаган СССР терма командаси биринчи ўринда бормоқда. Иккинчи ва учинчи ўринларни Швеция ҳамда Чехословакия командалари эгаллаб турибдилар.

«АВТОМОБИЛЧИ» ЯНА ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Тошкент Округ офицерлар уйи спорт залида «А» класси иккинчи группасида қатнашаётган волейболчи аёллар мусобақалари давом этмоқда. Кеча навбатдаги учрашувлар бўлиб ўтди. Икки учрашувдан икки очко олиб, пешқадамдар сафида бораётган тошкентлик волейболчилар бу гал Ленинград шаҳрининг «Спартак» командаси билан куч синашдилар.

Айтиш керакки, олдинги ўйинларда қайд этилган натижа бу учрашувда ўзи такрорланди. «Автомобилчи» ўз рақиби устидан 3:1 ҳисобида ғолиб чиқди. Мусобақада командамизнинг зардоб ҳужумчиларидан СССР спорт мастери Вера Галушко ҳамда Людмила Величколар чиройли ўйинлари билан ишқибозлар олқишига сазовор бўлдилар.

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Италия пойтахти Римда Европа чемпионатининг навбатдаги саралаш мусобақаларига қураъ ташланди. 32 мамлакат чемпионатда қатнашиш истагини билдирди. Шунинг учун командалар саккиз кичик группага бўлинди. СССР терма командаси тўртинчи кичик группага киритилди. Ватандошларимиз Шимолий Ирландия, Испания ҳамда Кипр футболчилари билан куч синашадилар. Группалардаги мусобақалар 1972 йилнинг 31 январигача давом этиб, чорак финал ўйинлари февраль—апрель, ярим финал ва финал мусобақалари эса май—июнь ойларигача давом этади.

ОЛДИНДА — САМАРҚАНД ВАКИЛИ

Пойтахтимиздаги Марказий шахмат-шашка клубида касаба союзлари Кўнгилли Спорт Жамияти Бутуниттифоқ советининг саралаш мусобақалари давом этмоқда. Мусобақада республикамиздан В. Воронов (Самарқанд), Г. Власов, С. Пинчук ҳамда Е. Мухинлар (ҳаммаси Тошкентдан) қатнашмоқдалар.

Олти турда тўрт очко олган В. Воронов биринчи ўринда бормоқда. Шахматчилардан Г. Власов (Тошкент), В. Розит (Одесса), О. Симович (Киев) пешқадамдан ярим очко кам тўплаган. Республикамиз чемпиони Пинчук эса ҳозирча уч очкога эга.



Тошкент армия спорт клубида «А» классининг иккинчи группаси командаларининг мамлакат биринчилиги мусобақалари давом этмоқда. Суратда: Донецкнинг «Спартак» ҳамда Свердловскнинг «Уралочка» командалари ўзаро учрашмоқдалар. Ўйин 3:0 ҳисобида спартакчилар фойдасига ҳал бўлди.

Б. Мазур фотоси. (ЎзТАГ).

ХУШХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ЗАВОДНИНГ БИРИНЧИ НАВБАТИ

Ғазалкент мармар заводининг биринчи навбати ҳадемай фойдаланишга топширилади. Завод лойиҳаси «Ўзгипротяжпром» институти инженерлари қўлидан чиққан. Институт коллективи бундай корхона лойиҳасини биринчи марта чизғётганлиги учун ҳам кўпроқ марказий шаҳарлардаги лойиҳачилар ёрдамига таянди. Бу соҳада Москва, Ленинград ва Уралдаги мутахассислар яқиндан кўмаклашдилар.

Заводнинг биринчи навбати мармар ишлаш цехи, маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва маъмурий бинолар ҳамда ошхонадан иборат бўлади. Мармар конларидан келтирилган хомашё завод майдонига туширишгач, аралаш ва силлиқлаш цехига узатилади. Бу цехда серунум агрегатлар ишлаб туради.

Корхонанинг биринчи навбати ишга туширилиши билан йилига 60 минг квадрат метр силлиқланган мармар плиталари ва 30 минг кубометр пардозбоп мармар парчалари тайёрланади. Ҳозирги кунда янги қувватларни синаш ишлари давом этаяпти.

МАССИВ ЖАМОЛИ

«Қорақамиш» массивининг жамоли йил сайин очилиб бораяпти. «Ташжилстрой» трести бинокорлари бу ерда кўплаб турар-жой ва маданий-маиший объектларни бунёд этмоқдалар. Улар қўли билан яқинда бир йўла бешта йирик объект қуриб битказилди. 560 ўринли иккита болалар боғчаси ҳам бугун — эрта кичкинтойларни ўз бағрига олади.

Биноларни тез ва соз қуришда трестнинг Г. Черанова, А. Тарасов, А. Баришевский ўртоқлар бошлиқ бригадаларининг аъзолари айниқса зўр ғайрат кўрсатишаяпти. Улар қўли билан Тошкентимизда кўплаб турар-жойлар бунёд этилган. Бугун эса янги массив қурилишини жадал суръатлар билан олиб бормоқдалар. Доҳий юбилейи арафасида «Қорақамиш» массивида бир қатор турар-жойлар калити тошкентликларга топширилади.

КИТОБХОНЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Бекобод районининг 3-«Далварзин» совхозига жойлашган 33-ўрта мактабда ойига бир марта китобхонлар конференцияси ўтказиб туриш одат тусига кириб қолган. Конференцияни ўтказишда кутубхона мудири З. Иброҳимова билан ўқитувчи Р. Ҳўжамқулов ўртоқлар ташаббускорлик қилишаяпти.

Яқинда китобхонларнинг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди. Бу гал ўқувчилар Абдулла Қаҳҳор асарлари юзасидан ўзаро бахслашдилар. Улар адибнинг «Қўшчинор чироқлари», «Синчалак», «Кампирлар сим қоқди» каби асарларида кўтарилган проблемалар устида алоҳида тўхталдилар. Бундай мунозаралар ўқувчиларнинг дарсларда олган билимларини пухта ўзлаштиришларига ёрдам бераяпти.

ЯНГИ МАВСУМ ОЛДИДАН

Пойтахтимиздаги маданият ва истироҳат боғларида ҳозир янги мавсумга қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Паркларнинг бу йилги иш планлари ғоятда ранг-баранг. Бу планларда Ленин тематикаси алоҳида жой олган. Масалан, Тельман паркида мавсум очилиши билан «Ленин менинг тақдиримда» мавзуида ёшлар кечасини ўтказиш, «Ленин сафдошлари Ўзбекистонда» деб номланган театрлашган кўрсатувни намойиш этиш планлаштирилган. Киров номли паркда эса «Ленин ишга содиқмиз» клуби ташкил этилмоқда.

ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

ТЕКИНХЎР, ИЧКИЛИКБОЗ ВА БЕЗОРИЛАРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ!

Баъзан шундай ота-оналар ҳам учрайдики, ҳаётда ўзлари кўринмайдилар-у, фақат «овоза»лари чиқади. Мана, Сергей Саприкинни мисолга олайлик. Уни қойишдан олдин ҳаётига бир назар ташлаб кўрайлик. Хўш, Сергейнинг ўзи ким? Касби-кори нима? Ҳаётда унинг қандай ўрни бор? Афсуски, ҳаётда унинг ўрни бўлмаса ҳам, Бектемир посёлкасининг аҳолиси унинг овозасидан билишади. Ҳа, у билан бир вақтлар бирга ишлаб туз тотишган касбдошлари ҳам, бир маҳаллада ёнма-ён яшаётган катта-кичик ҳам Сергейни танишади.

Йўқ, Сергей кўпчиликка, қўнғироқ ўшнига яхши аҳлоқи, одоби, одамийлиги билан эмас, дил озорлиги ичкиликбозлиги билан, ҳалол меҳнати, қадоқ қўли билан эмас, текинхўрлиги, эгри қўллиги, безорилиги билан танилган. У ана шу хулқи атвори орқасида умрининг кўп қисмини ахлоқ тузатиш жойларида ўтказди. Шундан кейин ҳам чинакам ҳаётга қайтгани йўқ аксинча меҳнатга бўйни ёр бермади. Номини тер тўкиб эмас, балки эгрилик билан ёйишга уринди, ичкиликка берилди. Ҳозир у 41 ёшда. Айни кучга тўлиб, нонини ҳалоллаб ейдиган чоғида ичкилик уни ногирон қилиб, ҳаёт қирғоғига чиқариб ташлади.

Ана энди безори, ичкиликбоз, текинхўр ота оиласида кўз очиб тарбия топган фарзанд—Олег Саприкиннинг тақдирига бир назар ташланг:

Ана шу хонадон сувини ичган ана шу ота маслаҳати билан ақли «чархланган» фарзанд еттинчи синфни битирмасданоқ мактабни ташлаб кетди. У меҳнатни, ҳалолликни эмас, ёшлик чоғиданоқ ишёқмас, дангаса, текинхўр ва эгриқўлликни ўрганди. Олег ўн тўққиз ёшга қадам қўйгунча икки марта ўғирлик қилиб, икки марта жиноий жавобгарликка тортилди. Ҳа, ўғирликни ўз уясида кўрган Олег 1966 йилда—тўғриғи ҳали оқ қорани ажрата билмайдиган чоғида бу ишга қўл урган эди. Кечаги кичик текинхўр, қарабсизки мана бугун ҳамтовоқлари билан давлат мулкини ўғирлаб, отаси ўтирган ўша қора курсида ўтирибди.

Айтингчи, уясида текинхўрлик ва безорликни кўрган қушнинг эртаги куни бундан ўзгача бўлиши мумкинми? Унинг ёнида тизилишиб ўтирган Минаҳмад Ғаппоров, Валерий Орлов, Александр Вотяков, Виктор Геги каби ҳамтовоқлар қўлини эгри, дилини бузуқ қилиб тарбиялаган ота-оналарга бир назар ташланг. Баъзилари ўз тарбияларидан уялиб, жамоат юзига қарай олмай, бошларини эгиб олишган. Баъзилари эса гўё ҳеч нарса бўлмагандек бепарво ўтиришибди. Очиқ майдонга тўпланган икки мингдан ортиқ Бектемир аҳолисининг нафрат тўла кўзлари уларга қадалган. Кимдир уларнинг ўтган умрларига ачинади, кимдир ғазаби қайнаб, бири-биридан аҳлоқсиз, одобсиз бу текинхўрларга нафрат кўзи билан қарайди.

Мана, жиноятчи Александр Вотяковнинг «меҳрибон жабр-дийда» онаси. Анна Андреевна Ватякова ўз фарзандига берган тарбияси учун, ўғли ёнида туриб жавоб бераяпти.

— Ўғлингиз Александр ишлайдими?

— Бир вақтлари ишлаган эди, ҳозир эса йўқ.

— Ишламаслигини биласиз. Хўш, шампанскоени қаердан олиб келганлиги ҳақида сўраб билдингизми?

— Йўқ, қизиққаним йўқ.

— Биргалашиб ичганингиз тўғрими?

— Тўғри, лекин ўғирлаб келганидан хабарим йўқ.

— Ёнида пули бўлмаса, қаердан олиб келиши мумкин?

— ...?

Бу жавобдан онанинг ўз фарзанди жиловини эгри кўчага ўзи бурганлиги маълум бўлиб турибди. Она бир неча ойдан бери ўғлининг ҳеч қаерда ишламаслигини, бошқа даромал қиладиган жойи йўқлигини яхши біла туриб, ичкиликни қаердан олиб келганлигини, қайси пулга сотиб олганлигини сўраш, қизиқиш ўрнига унинг елкасига қоқиб, ичкиликни у билан бирга баҳам кўрди. Чунки онага фарзандининг эртанги соғлом тақдири эмас, бугунги ҳаром йўл билан топиб келган бир шиша ичимлиги афзал кўринган эди.

Валерий Орловнинг онаси Любовь Орловачи? У ўғирликда ном чиқарганлардан. Давлат мулкини ўғирлаб жазосини тортиб келган. Афтидан бу жазо унга кор қилмаганга ўхшайди. Орлова ўтган йилдан бери жамоат фойдали меҳнатидан қочиб, ўғлини ҳам эгри, боши берк кўчадан етаклаб келмоқда. Ахир шу аёл тарбиясини олган Валерийдан бундан бўлак нимани ҳам кутиш мумкин? Шу кўчада иккинчи бор қўлга тушган Валерий бугун яна қора курсида ўтирибди.

Минаҳмад Ғаппоровни айтмайсизми? Ўн тўққиз баҳорни кўрган, кўрниши тогни урса талқон қиладиган бу арзанда мактаб ва меҳнат нималигини тасаввур қила олмайди. У эсини таниб ота-онадан саёқликни ўрганди. Бундай тарбия уни ўғирликка, безорилиқка, ичкиликбозликка етаклади. Кечалари кўчада оёғи етганча сангиди, кўнгли истаганча безорилик қилди. Уйига ярим кечада чайқалиб кириб келганида онаси Ҳадича ундан бир оғиз сўрамади. Етиб келганига шукур қилиб бошини силади, эркалади Бундай эркалаш оқибати жиноят билан якунланди. Минаҳмаднинг отаси Ҳамидалиф Хамаев билан онаси Ҳадича Ғаппорова кўчатни эгри ўстириб қўйиб, мана бугун ҳеч нарса билмагандек ўзларини пинакка олишмоқда.

— Ўғлингиз Минаҳмад нима учун жиноят йўлига кириб қолда? Унинг еттинчи март куни кечаси қандай жиноят қилганлигини биласизми?

Ота—Ҳамидалиф Хамаев бу саволга. «Мени қийнаманглар, мен ҳеч нарсани билмайман» деб давдадан чиқиб кетди.

Ажабо, ўз фарзанди ўғирлаб келган спиртли ичимликларни ҳамтовоқлари билан уйда ичиб ўтирар эмишу, отаси ўғлининг бу қилмишидан хабарсиз эмиш. Қани бу ерда оталик бурчи. Унинг фарзанд тақдирига бўлган масъулияти? Ҳайфе, бефарқ, бемеҳр, шафқатсиз отага.

Энди ҳали ақл тиши чиқмаган бу ҳамтовоқлар қўл урган жиноят таърифини эшитинг. Шу йил 7 март тунида Ўрта Чирчиқ районидаги ошхона буфетларидан бирининг эшик қулфини лўм билан бузиб ичкарига киришади. У ердан бир неча ўн килограмм сариқ ёг, бирнеча ўн бутилка ҳар хил спиртли ичимлик ва сигареталар — ҳаммаси бўлиб, 9 юз сўмлик озиқ-овқат маҳсулотини ўғирлаб чиқиб кетишади. Афсуски, буларнинг жиноят йўлига биринчи қадам қўйишлари эмас. Улар илгари ҳам шу посёлкадаги магазин ва ошхоналарга кириб, давлатнинг қимматбаҳо «дон-дунларини» ўғирлаб ҳазм қилиб келишган.

Тўғри, ўзлари кўринмай, овозаси чиқиб турган бу текинхўрлар группаси район ички ишлар бўлими ходимлари, қолаверса жамоатчиликни ташвишлантирмай қўймади. Оператив бўлим ходимлари ва Бектемир қишлоқ советининг жамоатчи активлари уларнинг изига тушишди. Айниқса, бу жиноят изини очишда область ички ишлар бошқармасининг бош инспектори Омонов, Ўрта Чирчиқ район ички ишлар жиноят қидирув бўлими бошлиғи Ҳолмуҳамедов, Юқори Чирчиқ район ички ишлар жиноят қидирув бўлимининг инспектори Ўралов, Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ район ички ишлар бўлимининг бошлиқлари Тожиметов ва Одилов, шунингдек Бектемирдаги участка вакили Ҳайитбоев ўртоқлар жонбозлик кўрсатишди.

Биз шу фурсатдан фойдаланиб, ўз фарзанди тақдирига бефарқ қарайдиган айрим ота-оналарга икки оғиз гапириб ўтмоқчимиз. Фарзанд фақат оилангина эмас, балки жамиятимизнинг келажаги ҳамдир. Шуни унутмаслик керакки, ҳар қандай фарзанд ақлини топиб, биринчи тарбияни оилада, ота-онадан олади. Фарзанд учун сарф-ланган умр беҳуда ўтмасин, бир кун келиб юқоридаги кишилар каби эл-юрт олдида шармисор бўлмайин десангиз новдани ёшлигидан тўғри ўстиринг. Ортиқча эркалаб уни тантиқ, ишёқмас қилиб қўйманг. Эртанги чироқчимиз, бахтимиз бўлган фарзандни меҳнатсевар, ҳалол, камтарин ва тўғри сўз қилиб тарбиялашимиз керак. Шундагина эл-юрт ҳам, Ватан ҳам, фарзанднинг ўзи ҳам рози ва миннатдор бўлади.

А. ШАИХОВ.

ФАН ВА ТЕХНИКА ОЛАМИДА

СУВ ОСТИ ҚАНОТЛАРИДА

СССРда ишланган янги «Буревестник» кемаси ўзидан аввалги кемаларга қараганда тезроқ, яъни соатига 90 километр сузади. Бу унинг энг катта тезлиги эмас, балки эксплуатацион тезлигидир, негаки бу «учувчи кема» шу тезликда истаганча узоқ вақт суза олади.

Кема салони самолёт салонини эслатади. Кеманинг ўзи ҳам реактив двигателлар ва сув отувчи движителлар ёрдамида ҳаракат қилади. Винт ўрнига бундай движителнинг ишлаши туфайли Горький кемасозлик заводнинг бу «фарзанди» энг юқори мустаҳкамлик ва ажойиб маневр қилиш қобилиятига эгадир. Агар керак бўлиб қолса, «Буревестник» турган жойида бурила олади. Янги кемага саккиз балли бўрон ҳам, шу бўронда сув ҳавзаларида кўтарилган тўлқин ҳам писанд эмас.

ШАХСИЙ ВЕРТОЛЕТ

Авариянга учраган учувчи ҳозирги замон тезучар самолётидан катапульта мослама орқали ўзини ташлайди. Кейин парашют очилиб, учувчи тасодифан тушган жойида ерга қўнади.

Бироқ, инженерлар учувчини тақдирга боғлиқ омад қўлига топшириб қўйиш ниятида эмаслар. Инженерлар катапульта креслосига кичик реактив двигатель ва вертолётники сингари бир-бирига тахланадиган винт ўрнатяптилар. Энди учувчи катапульта қилган ўриндиқ устида ерга тушиб, реактив двигатель ишга тушади ва бу ажойиб вертолётни 80 километр масофагача учириб бориб, қўндиришга имкон беради.

ЯДРО РЕАКТОРИ ҚАНЧА?

1969 йил охирида ер юзида 479 ядро реактори бўлган деб тахмин қилинади. Улардан 105 таси 20 миллион киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилади. Қолган 374 таси эса илмий тадқиқот, тажриба ва ўқиш мақсадларида фойдаланилади.

1975 йилга келиб эса Ер юзида жами 203 та атом реактори ишлайдиган бўлади. Уларнинг жами қуввати яқин 130 миллион киловатт бўлади. Атом электростанциялари бўлган мамлакатлар сони эса 15 тадан 21 гача кўпаяди.

ҚУЗИҚОРИН ДАЛАДА ЭКИЛАДИ

Қузиқорин ниҳоятда ва серталаб ўсимлик, уни полизда экиб бўлмайди. Истеъмол қилиш мумкин бўлганларидан фақат шампиньонигина одамлар «қўлга ўргатишган». Шу боисдан ҳам Краков қишлоқ хўжалик институти олимларининг қўйидаги маълумоти ғоят қизиқарлидир.

Улар оқ қузиқоринларни далада экиш мумкинлигини амалда исбот қилдилар. Бу кашфиёт катта амалий аҳамиятга эга. Оқ қузиқорин жуда ширин, айни чоғда бактерияларни йўқ қилувчи моддалар, шунингдек В, С ва Д витаминларига бой.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

10.55 — **Кўрсатувлар программаси.**

Ўзбек тилида: 11.00 — Горабин. **«Африкадан келган хат»** (Ёш томошабинлар театридан олиб кўрсатилади), 12.20 — **Кувноқ карусель** (болалар учун кинофильм, рус тилида). 12.30 — **Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак.**

13.00 дан — **Москва кўрсатади**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — **Кўрсатувлар программаси.**

Рус тилида: 18.00 **Телеянгиликлар.** 18.15 — **Деразадаги жирафа** (Бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 20.05 — **Телеянгиликлар.** 20.20 — **Шаҳарларимиз осойишталиги учун.** 20.50 — Буюк галабанинг 25 йиллиги олдидан **нут мени** (Адабий музикали композиция), 21.30 — **Ленинизм — давримиз байроғи.** 21.45 — **Совет Ўзбекистони композиторлари. Абдураҳим МУҲАМЕДОВ.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ДУСТЛИК ЭКРАНИ

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 — Совет Армияси жангчилари учун. **Туркистончилар хизмат ўтаётганда** 18.25 — **Янгиликлар панорамаси,** 18.45 — **Барча резервлар — амалда.** 19.15 — **Баҳор концерти.** 20.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20:00 — **«Солдатнинг дўсти»** (Телефильм).

Рус тилида: 20.20 **Ғўзаллик-нисонга,** 20.40 — **Ўн саккизинчи йил** (Бадиий фильмнинг иккинчи серияси). 22.20 — **Павел Лисициан куйлайди.**

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/III да **Доктор айболит** (кундузи), **Лайли ва Мажнун** (кечқурун), 28/III да **Этик кийган мушук** (кундузи), **Травиата** (кечқурун), 29/III да **Зулматдан зиё** (кундузи), **Севги тумори** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/III да **Мирзо Улуғбек** (кундузи). **Қонли сароб** (кечқурун), 28/III да **Олтинчи июль** (кундузи), **Олтин девор** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/III да **Навоий Астрободда** (кундузи), **Қайнона** (кечқурун), 28/III да **Аҳмад савдолар** (кундуз ва кечқурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/III да **Освенцим қаллодлари,** 28/III да **Баҳс,** 29/III да **Баҳс.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«СУВДАГИ ЖОЗИБАЛАР» янги аттракциони.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 27/III да **«Шеърият кечаси».**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

28 мартда кеч соат 7 яримда

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Эрнин БОҲИДОВ

«ОЛТИН ДЕВОР»

3 пардали комедия

Саҳнага қўювчи режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Абдулла Тўқай мукофоти лауреати — Т. У. ХУЖАЕВ.

Режиссёр ассистенти — Б. ЙЎЛДОШЕВ.

Рассом — М. ЭШОНХУЖАЕВ.

АСОСИЙ РОЛЛАРДА

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Ғани АЪЗАМОВ, Амин ТУРДИЕВ, Сайфи ОЛИМОВ. Қудрат ХУЖАЕВ, Сабоҳон КАРИМОВА, Тўғон ШУКУРОВ ва ЎзССРда хизмат кўрсатган артистлар: Ойдин НОРБОЕВА, Рихси ИБРОҲИМОВА, Турғун ХОНТУРАЕВлар иштирок этадилар.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

27 март кеч соат 7 да СССР биринчилиги учун «МАСК» (Москва) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) олий лига «А» класс командалари ўртасида

ФУТБОЛ

26 март кеч соат 7 да дублёрлар учрашади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 ўй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 835212, Редактор ўринбосарлари — 835885, 836232, Масъул секретарь — 834808, Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 831936 Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 833786, Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари — 835811, Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 839050, Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 838761, Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 834048, Эълонлар бўлими — 836142, Коммутатор — 830249 дан 830258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Г. 1609. ИНДЕКС — 64697. Р — 00356